Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 10 (461) 2021 йил 9 февраль, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



## АНДИЖОН ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 февраль куни Андижон ва Тошкент вилоятларидаги инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Дастлаб жорий йилда ишга тушириладиган лойиҳалар ҳақида ахборот берилди. Хусусан, Андижон вилоятида бу йил умумий қиймати 1 миллиард 433 миллион доллар бўлган 616 та лойиҳа фойдаланишга топширилади. Соҳалар кесимида айтганда, уларнинг 258 таси саноат, 185 таси хизмат кўрсатиш, 173 таси қишлоқ хўжалиги тармоқларида. Буларнинг натижасида қарийб 10 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилиб, 95 миллион долларлик импорт ўрнини босиш ҳамда 265 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади. 61 мингта янги иш ўрни очилади.

Масалан, "Тетратекс" масъулияти чекланган жамияти томонидан Балиқчи туманида тўқимачилик комплекси ташкил қилинмоқда. 2021-2022 йилларда тўрт босқичда амалга оширилиши режалаштирилган ушбу лойиҳанинг жами қиймати 126 миллион евро. Корхона ип-калавадан бошлаб тайёр трикотаж маҳсулотларигача бўлган жараёнларни қамраб олади. Жорий йил охирида ишга тушириладиган биринчи босқичда 2 минг 500 та, барча босқичлар якунида эса 10 мингта иш ўрни яратилади.

Бу каби лойиҳалар бўйича жадал иш олиб бориш билан бирга янгилари ҳам шакллантирилмоқда. Масалан, Андижон вилоятида умумий қиймати 782 миллион доллар бўлган 53 та янги инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тақдимотда ушбу лойиҳаларнинг истиқболлари, молиялаштириш манбалари ва инфратузилма масалалари юзасидан маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни иш ўринларига талаб юқори бўлган маҳаллаларда жойлаштириш, давлат-хусусий шериклик асосидаги корхоналарни кўпайтириб, бандликни ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Тошкент вилоятида бу йил 355 та лойиҳа ишга туширилади. Умумий қиймати 1 миллиард 624 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳаларнинг 198 таси саноат, 81 таси хизмат кўрсатиш, 76 таси қишлоқ хўжалиги соҳасидадир. Буларнинг самарасида қарийб 35 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш қуввати яратилиб, 13 минг кишининг бандлиги таъминланади. 48 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи ва 42 миллион долларлик экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари, вилоятда 187 та янги инвестиция лойиҳаси режалаштирилмоқда. Тақдимотда уларнинг энг йириклари тўғрисида тўхталиб ўтилди.

Масалан, "Metal produkt» масъулияти чекланган жамияти томонидан 25 миллион доллар эвазига Оҳангарон шаҳрида металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Унинг қуввати йилига 60 минг тонна бўлади. Жорий йил май ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган корхонада 150 киши иш билан таъминланади.

"Ангрен" эркин иқтисодий зонасида велосипедлар, Қибрай туманида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳам ички бозор учун жуда муҳим.

Президент саноатга илм ва инновацияларни фаол жалб этиш, маҳсулотлар сифатига алоҳида эътибор қаратиб, харидоргирлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Тошкент вилоятининг транспорт ва туризм салоҳиятидан оқилона фойдаланиб, хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

**ЎзА.**

## Туризм ривожига эътибор

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.

**Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, сайёҳлик салоҳиятини ошириш, меҳмонларга ҳар томонлама қулай имконият ва шароит яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўз бағрида юзлаб тарихий, ноёб осори атиқаларни асраб-авайлаб сақлаётган қадимий Самарқандда бу борада кенг миқёсли тадбирлар ишлаб чиқилгани ўз самарасини бера бошлади.**



Маълумки, кўҳна шаҳарга ташриф буюрадиган ҳар қандай меҳмон ёки зиёратчи, аввало табаррук остона – темир йўл вокзали ёки аэропортга қадам қўйиши шубҳасиз. Шунинг учун Президентимиз ташаббуси билан мазкур иншоотларни жаҳон андозалари даражасида қайта қуриш, янада ободонлаштиришга алоҳида аҳамият берилаётир. Самарқанд темир йўл вокзалида очилган дастлабки туристик бекат ҳам ана шу мақсадларни кўзлайди. Бу жойга келган туристлар учун барча маълумотларни олиш, зарур буюртмалар бериш, транспорт, таржимон хизматларидан фойдаланиш каби имкониятлар мавжудлиги диққатга сазовор. Бекатни фойдаланишга топшириш маросимида республика Бош вазири ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов қатнашиб, бундай объектлар юртимизда сайёҳлик соҳасини юксалтириш, хизмат савиясини оширишда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Айтиш жоизки, Самарқандни туризм марказига айлантириш йўлидаги кучли истак ва интилишни шаҳарнинг ҳаво дарвозаси ҳисобланган аэропорт мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айни пайтда ҳукумат қарорига биноан мазкур жойда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жадал суръатда давом эттирилмоқда. Хорижлик сайёҳлар, қолаверса, 2022 йилда бўлиб ўтадиган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти аъзоларини муносиб кутиб олиш мақсадида қўналға энг замонавий талабларга жавоб берадиган лойиҳалар асосида тубдан қайта қад ростлаяпти. Очиқ турган китоб шаклини эслатадиган тўрт қаватли улкан терминал йирик самолётлар учиб-қўниши мумкин бўлган йўлаклар, янги ангар ва бошқа иншоотлар хорижлик мутахассислар кўмагида янгидан барпо қилинаётир.

### Шу куннинг гаплари

Президентимизнинг шу йил 4 февралдаги ПҚ–4979-сонли қарорига кўра, пойтахтимизнинг саноат ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Янгиҳаёт туманида **технопарк** қуриладиган бўлди.

Афғонистонлик ишбилармонлар Термиз шаҳрида **12** қаватли турар жой ва меҳмонхона қуришади. "AFGAN-GERMAN CAMPANY" қўшма корхонаси раҳбари Самиуллоҳ Самканай иншоотларни барпо этиш учун **12 млн доллар** қийматидаги хорижий инвестиция киритиш ниятида.

Бошқа шаҳар ҳамда вилоятлардан кириб келадиган йўловчи ташувчи транспорт воситаларини тартибга солиш мақсадида Қарши шаҳрининг 5 та нуқтасида **янги автостанциялар** қуриш учун жой танлаб олинди. Улар ишга тушса, фуқароларга автотранспорт хизмати кўрсатиш бирмунча яхшиланади.

Пойтахт вилояти ҳокимининг қарорига биноан жорий йилда **24** та маъмурий объектлар бунёд этилади. Улар орасида маъмурий-ҳудудий, муҳандислик тузилмалари ва бошқа муҳим объектлар кенг ўрин олган.

## Эркатойларга яна бир туҳфа

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Яккасарой туманидаги "Эртакжон" номли 150-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти замонавий кўринишда янгидан барпо этилди.**

Туман прокуратураси ҳомийлигида реконструкция ишлари бошланган эди. Қурилиш ишларига ҳокимликнинг қарори асосида маҳаллий бюджетдан 3 млрд сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Дастлаб, "Қурилиш плюс" пудратчилари томонидан бино таъмирланиб, сўнг қўшимча алоҳида бино қуриб берилди. "Буюк қурилиш лойиҳа" МЧЖ томонидан эса бино мукаммал таъмирланди. "Бектемир комфорт строй" қурилиш ташкилоти иссиқлик тизимини қуриб берди.

– Қурилиш ишлари билан шуғулланганим боис, бинонинг сифатига эътибор қаратиш лозимлигини англаганман, – деди туман ҳокими Анвар Сайфуддинов. – Шунинг учун турар жой бинолари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этишда унинг сифатини таъминлаш зарур, деб ҳисоблайман. Боғчанинг қурилиш ишларида ҳам сифатли қурилиш материалларидан фойдаланишга эътибор қаратдик. Янги мактабгача таълим ташкилоти эндиликда, ҳудуддаги "Муҳандислар", "Яккасарой", "Дилбулоқ", "Ракат" маҳаллаларида истиқомат қилувчи оилалар фарзандларини қамраб олади.

Муассаса хоналари талаб даражасида жиҳозланган. Аввал марказий иситиш тизимига уланган бино энди алоҳида иситиш қувватига эга. Бу эса иқтисодий жиҳатдан боғча маблағининг бесамар сарфланмаслигини таъминлайди. Айни пайтда тумандаги 23 та мактабгача таълим ташкилотларида қурилиш-таъмирлаш ишларига киришилган.

– Мактабгача таълим ташкилотимиз 360 нафар болажонни ўз бағрига олади. Уларга 12 гуруҳда маҳоратли педагог ва мураббийлар таълим-тарбия беради, – деди МТТ директори Маъмура Абдуллаева. – Эндиликда болажонлар учун замон талабидаги барча шароитлар яратилган.

## Истиқболли лойиҳалар билан танишилди



**Суратларда:** пресс-турдан лавҳалар

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**"Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти ташаббуси ҳамда "Сурхондарё ҲЭТК" АЖ ҳамкорлигида жойларда электр энергетикаси ривожи йўлида, шунингдек, истеъмолчиларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш юзасидан олиб борилаётган амалий ва кенг кўламли саъй-ҳаракатлар билан жамоатчиликни таништириш, соҳадаги янгилик ва ўзгаришлардан оммавий ахборот воситалари ходимларини хабардор қилиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилнинг февраль ойи бошларида Сурхондарё вилоятига пресс-тур ташкил этилди.**

Пресс-тур доирасида вилоятда электр энергетикаси тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аҳолини сифатли электр энергияси билан таъминлаш борасида қабул қилинган тегишли Давлат дастурлари ижроси, янги лойиҳалар юзасидан мутахассислар томонидан атрофлича маълумотлар бериб ўтилди.

Таъкидланганидек, Президентимиз томонидан 2016 йил 23 ноябрда қабул қилинган "2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури тўғрисида"ги ПҚ-2661-сон қарорига асосан, ўтган йили вилоятда 286,0 км узунликда электр узатиш тармоқлари тортилиб, 132 та трансформатор пункти (шундан 50 таси янгидан) қурилди.

Дастлаб, ижодий гуруҳ Узун туманида электр таъминотини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Хусусан, пресс-тур иштирокчилари тумандаги "Янгикуч" МФЙда юклама билан ишлаётган трансформатор пункти демонтаж қилингач, янги ўрнатилган юқори қувватли трансформаторга маҳаллий аҳоли хонадонларини улаш жараёни устидан чиқдилар. Бу борадаги ишларни амалга ошираётган ТЭТК мутахассисларининг таъкидлашича, 122 аҳоли хонадони мавжуд ушбу МФЙда шу кунгача 25 дона янги темир-бетон устуни ўрнатилиб, 1,3 км СИП-2 русумли кабель тортилгани маҳаллий истеъмолчиларга сифатли электр энергиясидан баҳраманд бўлиш имконини яратди.

2-бет

Матбуот анжумани

## Ипотека кредити 3 та йўналишда ажратилади

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлашда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" иштироки" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 13 майдаги "Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари ҳамда 2020 йил 1 майдаги "Аҳолини уй-жой шароитларини яхшилаш шунингдек, ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасидаги ишларга эътибор қаратилди.

– Банк томонидан аҳолининг уй-жой харид қилиш билан боғлиқ эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ипотека кредитлари 3 та йўналишда амалга оширилмоқда, – деди Дастурлар доирасида ипотекали кредитлаш департаменти бошлиғи ўринбосари Дилшод Ҳасанов. – Кредитлар янги тартиб асосида бирламчи уй-жой бозорида квартира харид қилиш учун, бирламчи ва иккиламчи уй-жой харид қилиш ҳамда таъмирлаш, шунингдек, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси иштирокида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган арзон уй-жойларни сотиб олишга ажратилмоқда. Ҳозирда биринчи йўналишдаги ипотека кредитлари доирасида "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларида янги тартиб доирасида қурилган, шунингдек, янги тартиб доирасидан ташқари фойдаланишга топширилган санадан кўпи билан икки йилдан ошмаган, пудрат ташкилоти ҳисобида бўлган кўп квартирали уйлардаги хонадонларни таклиф этувчи бозордан харид қилинадиган уйлар учун кредит шартномалари тузилмоқда. Мазкур ипотека кредитлари бозор ставкалари асосида 20 йил муддатгача, бошланғич бадал қишлоқ жойларда сотиб олинадиган хонадон қийматининг 10 фоизидан, шаҳарларда эса 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда таклиф этиляпти.

Тадбирда субсидия тўловларини амалга ошириш механизмлари ва шартлари бўйича ҳам батафсил маълумот берилди. Субсидия олиш истагида бўлган фуқаролар тўғридан-тўғри Давлат хизматлари агентлигига мурожат қилиши ва у ерга аризасини тақдим этган ҳолда, хулосаларни олиши мумкин.

Албатта, харид қилинаётган уйларнинг жаҳон талабларига тўғри келиши, қурилиш сифати ва меъёрларига ҳам эътибор қаратилади. Сотиб олинаётган турар жойлар экологик жиҳатдан сиф атли бўлган қурилиш материалларидан бунёд этилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Бундай талабдаги уй-жой қурилишида шифер материали ишлатилмаслиги зарур. Зеро, бу ашё ўзидан зарарли моддалар ажратиб, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Айнан бу каби уйларга ипотека кредитлар ажратилиши тақиқлаб қўйилди.

# Истиқболли лойиҳалар билан танишилди

1-бет

Пресс-тур иштирокчиларининг навбатдаги манзили "Гулистон" МФЙ сари бўлди. Бу ерда улар электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)га уланган замонавий ҳисоблагичлар ўрнатилиши жараёни гувоҳи бўлдилар. Маҳаллий аҳоли билан мулоқот давомида замонавий ҳисоблагичларнинг қулайлиги ва қатор афзалликлари, яъни ҳисобни тўлдириш кераклиги ҳақида истеъмолчи аввалдан смс-хабари орқали огоҳлантирилиши, илгаригидек туман электр таъминоти идорасида кун давомида навбатда турмасдан тўловларни масофадан амалга ошириш имкони яратилгани, бундан ташқари хонадонингизга тўловларни ундириш учун ҳеч ким безовта қилиб келмаслиги кабилар аҳолини ортиқча оворагарчиликлардан ҳоли қилиб, жорий этилаётган ушбу тизим ҳар томонлама қулай эканлигини намоён этмоқда.

Пресс-турнинг иккинчи куни Шеробод тумани "Қорабоғ" маҳалласи ҳудудида қурилиши тугалланаётган темир-бетон таянчлар ишлаб чиқариш заводи фаолияти билан танишишдан бошланди. Маълум бўлишича, завод тўла қувват билан ишга туширилгач, қарийб 4 млрд сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилади. Бу эса, ўз навбатида, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, қолаверса ишчи-ходимлар меҳнат шароитини яхшилашга қўшимча имкон яратади. Дарвоқе, 20 та янги иш ўрни яратилиши кутилаётган заводда темир-бетон таянчлардан ташқари траверс, металл конструкциялар ва соҳада модернизация ва реконструкция ишлари олиб бориш учун зарур бўлган бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши шу ернинг ўзида йўлга қўйилаётгани йиғилганлар эътиборини тортди.

Пресс-тур иштирокчилари темир-бетон таянчлар ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишар экан, ҳозирча кунига 20 донагача тайёрланаётган ушбу маҳсулотнинг барча ишлаб чиқариш босқичларини кўздан кечиришди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, Хитой технологияси асосида жиҳозланган ушбу заводда ишчи кучидан деярли фойдаланилмайди – барча босқичлар рақамлаштирилган бўлиб, бу эса истиқболда ишни тез ва сифатли бажариш имконини беради.

Куннинг иккинчи ярмида Термиз шаҳар электр таъминоти корхонасида яқинда ишга туширилган замонавий электр энергиясини тарқатиш шохобчаси фаолияти билан яқиндан танишилди. Бу ердаги иш жараёнларининг ташкил этилиши, хусусан, шаҳар аҳолисини электр энергияси билан таъминлашда вужудга келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳодисалар, яъни авариявий ва режали ўчишлар (модернизация ва реконструкция ишлари билан боғлиқ)да тегишли фидерларга уланган истеъмолчиларгина тармоқдан вақтинча ажратилиши, бундан ташқари шохобчанинг техник имкониятлари таъмирлаш ишларини қисқа вақт ичида амалга оширишга мўлжалланганлиги пресс-тур иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, ШЭТК диспетчерлик хизмати мутахассиси томонидан авариявий ҳолатлар ва уни бартараф этиш бўйича биринчи галда қилиниши зарур бўлган тезкор чоралар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди.



Шундан сўнг "Термиз" подстанциясига ташриф уюштирилиб, бу ерда эксплуатация жараёнлари, энергетика ускуналарида профилактик ва таъмирлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилиши кўздан кечирилди.

Режадаги манзиллар ўрганиб бўлингач, пресс-турда иштирок этган оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган бошқа саволларига "Сурхондарё ҲЭТК" АЖ мутахассисларидан батафсил жавоб олдилар.

# Наманган ва Панжоб вилоятлари биродарлашди

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Панжоб – Покистоннинг иқтисодий тараққий этган минтақаси ҳисобланиб, қарийб 110 миллион киши истиқомат қилади. Бу мамлакат аҳолисининг ярмидан ортиғини ташкил этади. Иқтисодий салоҳият ҳам шунга яраша – Покистондаги ялпи ички маҳсулотнинг бешдан уч қисми шу ерда ишлаб чиқарилади. Кўплаб олий ўқув юртлари, илмий ва маданий муассасалар ҳам мавжуд.**

Таркибига 15 киши кирган Панжоб делегацияси орасида вилоят ҳукумати аъзолари, савдо-саноат ва ишбилармон доираларнинг вакиллари бор эди. Меҳмонлар шарафига Наманган вилояти ҳокимлигида қабул маросими ўтказилди. Унда сўзга чиққан Наманган вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Шавкат Абдураззақов ва Панжоб губернатори Муҳаммад Сарвар кейинги йилларда ҳар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик тобора ривожланаётганини таъкидлашди. Ўзбекистон ва Покистоннинг минтақалари ҳам бунга муносиб ҳисса қўшаётганликлари диққатга сазовордир. Наманган вилояти ҳокимлиги ва Панжоб вилояти ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва туризм соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Худди шу куни Наманган ва Панжоб биродарлашган ҳудудлар деб эълон қилинди. "Уч фаввора" майдонида мазкур воқеа муносабати билан Покистон Ислом Республикасининг давлат байроғи кўтарилди.

– Ташрифимиз эсда қоларли таассуротларга бой бўлди, – деди оммавий ахборот воситалари билан суҳбатда "International Biziness System" экспорт-импорт компанияси директори Атиф Насим. – Қатор саноат корхоналари, ҳусусан, Наманган шаҳридаги "Ифтихор кийим саноат" МЧЖ фаолияти билан танишдик. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган кийим-кечакларга жаҳон бозорида талаб катта эканидан мамнун бўлдик. Наманганда қурилиш соҳаси юқори суръатлар билан ривожланаётган экан. Бизда, айниқса, жадал барпо этилётган "Юксалиш" кичик саноат зонаси яхши таассурот қолдирди. Бундай индустрия ўчоқларининг яқин орада вилоятда юзтадан ошиб кетиши ҳам кишини ҳайратга солади. Улар ҳеч шубҳасиз, тезкор тараққиёт омилига айланади.

Панжоблик меҳмонлар "Шодиёна" мажмуасида ташкил этилган. "Made in Namangan" кўргазмаси билан ҳам танишди. Бу ерда вилоятдаги саноат корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган хилма-хил маҳсулотлар намойиш этилди. Шундан сўнг ҳар икки томон ишбилармонлари "Наманган-Панжоб" бизнес-форумида қатнашишди. Тадбирда ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан келишувларга эришилди. Мисол учун, "International Biziness System" компанияси 250 миллион долларлик инвестиция эвазига жинси матоси чиқарадиган йирик замонавий корхона барпо этиш истагини билдирди.

Бизнес-форумда "Ўзтўқимачиликсаноат" ва Покистон текстиль уюшмалари ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми ҳам имзоланди.

Покистонлик меҳмонлар ташриф давомида вилоятнинг қатор диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришди. Улар орасида Наманган шаҳридаги "Афсоналар водийси" истироҳат боғи, Чортоқ туманидаги Султон Увайс Кароний зиёратгоҳи, Тўрақўрғон туманидаги қадимий Ахсикент шаҳри харобалари бор эди.

Панжоб вилояти губернатори Муҳаммад Сарвар журналистлар билан ўтказилган мулоқотда Наманганга ташриф ўзлари кутганларидан ҳам аъло даражада ўтганини қайд қилди.


# ОБЪЯВЛЕНИЕ О ПРОВЕДЕНИИ ТЕНДЕРНОГО КОНКУРСА!

## Корейский фонд международного здравоохранения Республики Корея (Заказчик)

## ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР

## на закупку медицинских инструментов и оборудования, предназначенных для проведения микро-реконструктивных операций

**Конкурс проводится по адресу:** Республика Узбекистан, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Паркентская, 294 (ориентир:Национальный детский медицинский центр), **E-mail:** uzbnch@gmail.com.

К рассмотрению будут приняты конкурсные предложения в конвертах, опечатанные участниками конкурса и поступившие по вышеуказанному адресу в срок 10 дней с 10 февраля 2021 года.

Вскрытие конвертов с предложениями участников конкурса состоится в 9.00 22 февраля 2021 года. Просим участников перед подачей конкурсных предложений проверять их на предмет соответствия конкурсной документации Заказчика.

**Конверт №1,** содержащий квалификационную анкету участника Конкурса по форме согласно приложению № 1, к которому должно быть приложено Техническое предложение, подготовленное в соответствии с Техническим заданием, а также копия на электронном носителе в формате Microsoft Office и/или PDF;

**конверт №2,** содержащий коммерческое предложение в соответствии с Техническим заданием, с условиями проекта договора и согласно Приложению №3 к Конкурсной документации;

**Общий конверт, конверты №1 и №2 должны быть опечатаны и подписаны** лицом (лицами), наделённым полномочиями для подписания Конкурсного предложения от имени Участника.

**На всех конвертах должны быть обозначены номера конвертов и название конкурса.**

***Примечание:*** *документы, входящие в конверт №1, не должны содержать никакой информации относительно цены Конкурсного предложения. Все цены, тарифы и итоговые суммы, составляющие Предложение, должны содержаться только в документах конверта №2. При несоблюдении данного условия Участник дисквалифицируется.*

**I конверт (этап) –** общая квалификационная оценка и техническая оценка.

Техническое предложение будет оцениваться на соответствие Техническому заданию.

Не соответствующие требованиям Технического задания, не будут рассматриваться и допускаться к оценкам коммерческой части.

**II конверт (этап)** – коммерческая оценка.

Победителем признается участник конкурса, чье предложение признано соответствующим техническим требованиям и предложивший наименьшую цену на требуемый объем и сроки поставки Услуги, с принятием условий контракта (приложение №4).

### ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ КОНКУРСА

**1. Заказчик:** Корейский фонд международного здравоохранения Республики Корея. Предельная стоимость конкурса (в эквиваленте 68,000 долларов США). Цены, указанные в конкурсном предложении, не должны превышать предельную стоимость, включая НДС.

| № | Наименование товара | Количество | Технические характеристики |
|---|---|---|---|
| 1. | **Микроскоп для тренинга с креплением на стол** | 2 шт. | - Vario объектив с рабочим растоянием от 190 до 300 мм;<br>- Объектив F-250 мм;<br>- Увеличение окуляра 16 х (а также дополнительно 12,5 х);<br>- Бинокуляр с изменяемым углом наклона 0-180 градусов;<br>- Оптическая головка с 5-ю степенями увеличения;<br>- Общее увеличение не ниже 26 х-29 х. |
| 2. | **Инструменты для тренинга по микрохирургии:** | | |
| | Прямые ножницы с круглыми ручками | 3 шт. | - Длина ножницы 15 см, длина лезвии 12 мм, с острым концом для адвентитии. |
| | Изогнутые ножницы с круглыми ручками | 3 шт. | - Длина ножницы 15 см, длина лезвии 12 мм, с округлым концом для диссекции. |
| | Микро-иглодержатель Barraquer | 3 шт. | - Изогнутый с округлыми ручками, длина 15 см, кончики захвата 0,4 мм. |
| | Jewelers пинцет | 6 шт. | - Длина 11 см, размер кончика 0,3 мм. |
| | Изогнутый сосудистый расширитель | 3 шт. | - Длина 11 см, размер кончика 0,2 мм. |
| | Ретрактор Wests S/R | 3 шт. | - Длина 14 см, с острыми крючками 3х4. |
| | Пинцет Adson | 3 шт. | - Длина 12 см, зубчатый. |
| | Иглодержатель Crile Wood | 3 шт. | - Длина 15 см. |
| | Iris ножницы | 3 шт. | - Длина 11,5 см, изогнутый. |
| | Mayo Easy-Cut ножницы | 3 шт. | |
| | Контейнер для стерилизации микроинструментов | 3 шт. | |
| | Пинцет для установки сосудистых Clamp | 3 шт. | |
| | Контейнер для Clamp | 3 шт. | |
| | Одинарный Acland Clamps B-2V | 3 шт. | |
| | Одинарный Acland Clamps B-3V | 3 шт. | |
| | Двойной Clamp с рамкой ABB-3 | 3 шт. | |
| 3. | **Инструменты для микрохирургии** | | Производство Япония, сделано из титана. |
| | Микро-иглодержатель | 1 шт. | - Длина:150 мм, тип ручки: округленный, цвет: цвет радуги, форма кончика: изогнутый, размер кончика: 0,3 мм, без системы закрепления. |
| | Микро-иглодержатель | 1 шт. | - Длина:150 мм, тип ручки: округленный, цвет: цвет радуги, форма кончика: изогнутый, размер кончика: 0,1 мм, без системы закрепления. |
| | Микро-пинцет | 1 шт | - Длина:120 мм, тип ручки: плоский, цвет: цвет радуги, размер кончика: 0,1 мм. |
| | Микро-пинцет | 1 шт. | - Длина:120 мм, тип ручки: плоский, цвет: цвет радуги, размер кончика: 0,05 мм. |
| | Микро-ножницы | 1 шт. | - Длина: 150 мм, тип ручки: округлый, цвет: цвет радуги, форма кончика: прямой. |
| | Стерилизационный бикс | 1 шт. | Размер: L |
| | Стерилизационный контейнер для Vessel clamps | 1 шт. | |
| | Одиночный Vessel clamp | 2 шт. | - Длина 8 мм, стальной цвет, для 0,3-1,0 мм сосудов. |
| | Одиночный Vessel clamp | 2 шт. | - Длина 11 мм, стальной цвет, для 0,6-1,4 мм сосудов. |
| | Одиночный Vessel clamp | 2 шт. | - Длина 16 мм, стальной цвет, для 1,0-2,2 мм сосудов. |
| | Одиночный Vessel clamp | 2 шт. | - Длина 24 мм, стальной цвет, для 1,5-3,3 мм сосудов. |
| | Двойной vessel clamp approximator | 2 шт. | - Длина 8 мм, чёрный цвет, для 0,3-1,0 мм сосудов. |
| | Двойной vessel clamp approximator | 2 шт. | - Длина 11 мм, чёрный цвет, для 0,6-1,4 мм сосудов. |
| | Двойной vessel clamp approximator | 2 шт. | - Длина 16 мм, чёрный цвет, для 1,0-2,2 мм сосудов. |
| | Двойной vessel clamp approximator | 2 шт. | - Длина 24 мм, чёрный цвет, для 1,5-3,3 мм сосудов. |
| | Пинцет для установки Vessel clamp | 2 шт. | - Длина 140 мм, прямой, для маленьких vessel clamp. |
| | Пинцет для установки Vessel clamp | 2 шт. | - Длина 140 мм, прямой, для больших vessel clamp. |
| 4. | **Портативный доплер** | | Японского или корейского производства. |
| | Двунаправленный доплер | 1 шт. | - С ЖК-дисплеем и подсветкой;<br>- Память на 30 форм сигналов и USB интерфейс;<br>- Доступен режим 2MHz BEEP;<br>- Щелочная батарея 9 В;<br>- Расчет объемного кровотока. |
| | Карандашные пробы | 1 шт. | - Стандарт, частота: 8 МГц |
| 5. | **Камера для выявления индоционина зеленого** | | Производство США |
| | Камера с фильтром для выявления индоцианина зеленого | 1 шт. | |
| | Фонарь для активации индоцианина зеленого | 1 шт. | |
| | Ручка с инфракрасными невидимыми чернилами | 1 шт. | - Для 840 нанометр лучевой длиной |
| 6. | **Профессиональный фотоаппарат** | 1 шт. | - Разрешение 45 мегапикселей;<br>20 кадров в секунду;<br>- Внутренняя запись полнокадровых видео 8K RAW;<br>- Полнокадровые видео 4K 120P;<br>- Стабилизатор изображения с эффектом, эквивалентным 8 ступеням выдержки;<br>- ISO 100 – 51 200;<br>- 5940 положений автофокусировки;<br>- Разъемы для карт памяти CFexpress и SD;<br>- Встроенный Bluetooth & Wi-Fi. |
| | Объектив | 1 шт. | - Диапазон зумирования: 24-105 мм;<br>- Кольцо управления: на объективе;<br>- 9-лепестковая диафрагма;<br>- Максимальная диафрагма f/4<br>- Минимальная диафрагма 22<br>- Минимальное расстояние фокусировки: 0,45 м;<br>- Стабилизатор изображения с эффектом, эквивалентным 5 ступеням выдержки;<br>- Привод автофокусировки Nano USM. |
| | Карта памяти | 1 шт. | - Емкость: 256 ГБ |
| | Карта памяти | 1 шт. | - Емкость: 512 ГБ |
| | Вспышка | 1 шт. | - Тип вспышки: кольцевая<br>- Ведущее число: 14 м (ISO 100)<br>- Крепление: на объективе<br>- Время перезарядки: 5.50 с<br>- Поддержка режимов: E-TTL, E-TTL II |
| | Сумка для фотоаппарата | 1 шт. | |
| | Штатив | 1 шт. | - Максимальная рабочая высота с центральной колонной: 151 см<br>- Максимальная нагрузка: 8 кг<br>- Минимальная рабочая высота: 34 см |
| 7. | **Планшет** | 1 шт. | - Технология дисплея: Super AMOLED;<br>- Диагональ дисплея: 12.4 дюймов;<br>- Количество ядер в процессоре: 8 шт.<br>- Встроенная память: 256 ГБ<br>- Поддержка карт памяти: microSD |
| | Карта памяти | 1 шт. | - Емкость: 512 ГБ |
| | Чехол для планшета | 1 шт. | |

**2. Срок поставки товаров:** 60 дней с заключением контракта.

**3. Наименование объекта (место поставки):** Национальный детский медицинский центр.

**4. Страхование товара:** товар должен быть полностью застрахован от случайных повреждений, потери или других воздействий, приводящих его в негодность в период транспортировки и временного хранения. Страховой полис должен включать все транспортные расходы, в том числе фрахт, таможенную пошлину и иные расходы, связанные с транспортировкой груза вне территории Республики Узбекистан, а также, расходы по доставке поврежденного груза к месту установки и возвращению после установки.

**5. Требования по гарантийному и послегарантийному обслуживанию:** гарантийный срок на оборудование должен быть не менее 12 месяцев.

# ОБЪЯВЛЕНИЕ О ПРОВЕДЕНИИ КОНКУРСА!

## Корейский фонд международного здравоохранения Республики Корея (Заказчик)

## ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР

## на закупку набора инструментов, предназначенных для проведения хирургических вмешательств по педиатрической гипоспадии.

**Конкурс проводится по адресу:** Республика Узбекистан, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Паркентская, 294 (ориентир: Болалар миллий тиббиёт маркази), **E-mail:** uzbnch@gmail.com.

К рассмотрению будут приняты конкурсные предложения в конвертах, опечатаные участниками конкурса и поступившие по вышеуказанному адресу в срок 10 дней с 10 февраля 2021 года.

Вскрытие конвертов с предложениями участников конкурса состоится в 16:00 22 февраля 2021 года. Просим участников перед подачей конкурсных предложений проверять их на предмет соответствия конкурсной документации Заказчика.

**Конверт №1,** содержащий квалификационную анкету участника Конкурса по форме согласно приложению № 1, к которому должно быть приложено Техническое предложение, подготовленное в соответствии с Техническим заданием, а также копия на электронном носителе в формате Microsoft Office и/или PDF;

**конверт №2,** содержащий коммерческое предложение в соответствии с Техническим заданием, с условиями проекта договора и согласно Приложению №3 к Конкурсной документации;

**общий конверт, конверты №1 и №2 должны быть опечатаны и подписаны** лицом (лицами), наделённым полномочиями для подписания Конкурсного предложения от имени участника конкурса.

**На всех конвертах должны быть обозначены номера конвертов и название конкурса.**

***Примечание:*** *документы, входящие в конверт №1, не должны содержать никакой информации относительно цены Конкурсного предложения. Все цены, тарифы и итоговые суммы, составляющие Предложение, должны содержаться только в документах конверта №2. При несоблюдении данного условия Участник дисквалифицируется.*

**Откровение I конверт (этап) – общая квалификационная оценка и техническая оценка**

Техническое предложение будет оцениваться на соответствие Техническому заданию.

Не соответствующие требованиям технического задания, не будут рассматриваться и допускаться к оценкам коммерческой части.

II конверт (этап) – коммерческая оценка.

Победителем признается участник конкурса, чье предложение признано соответствующим техническим требованиям и предложивший наименьшую цену на требуемый объем и сроки поставки Услуги, с принятием условий контракта (приложение №4)

### ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ КОНКУРСА

**1. Заказчик:** Корейский фонд международного здравоохранения Республики Корея. Предельная стоимость конкурса (в эквиваленте 10,000 долларов США). Цены, указанные в конкурсном предложении, не должны превышать предельную стоимость включая НДС.

| № | Наименование инструмента | Количество набора | Модель | Размер (мм) | Вес (г) | Компоненты |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Хирургическая головная лампа | 5 | LLM1582-82<br>LLM1574-74 | 82<br>74 | 35.1<br>32.8 | 1. Portable LED (Портативный LED)<br>2. Cloth Headband (Тканевая повязка на голову)<br>3. Protective Goggle (Защитные очки)<br>4. Various lenses (Различные линзы)<br>5. Rigid Headband (Жесткая повязка на голову)<br>6. TIL Loupe (TIL Лупа)<br>7. Universal Clip (Универсальный зажим) |

**2. Срок поставки товаров**: 60 дней с заключением контракта.

**3. Наименование объекта (место поставки):** Национальный детский медицинский центр.

**4. Страхование товара:** товар должен быть полностью застрахован от случайных повреждений, потери или других воздействий, приводящих его в негодность в период транспортировки и временного хранения. Страховой полис должен включать все транспортные расходы, в том числе фрахт, таможенную пошлину и иные расходы, связанные с транспортировкой груза вне территории Республики Узбекистан, а также расходы по доставке поврежденного груза к месту установки и возвращению после установки.

**5. Требования по гарантийному и послегарантийному обслуживанию:** гарантийный срок на оборудование должен быть не менее 12 месяцев.

# ОБЪЯВЛЕНИЕ О ПРОВЕДЕНИИ КОНКУРСА

## Корейский фонд международного здравоохранения Республики Корея (Заказчик)

## ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР

## на закупку набора инструментов, предназначенных для проведения хирургических вмешательств по педиатрической гипоспадии.

**Конкурс проводится по адресу:** Республика Узбекистан, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Паркентская, 294 (ориентир: Болалар миллий тиббиёт маркази), **E-mail:** uzbnch@gmail.com.

К рассмотрению будут приняты конкурсные предложения в конвертах, опечатанных участниками конкурса, поступившие по вышеуказанному адресу в срок 10 дней с 10 февраля 2021 года.

Вскрытие конвертов с предложениями участников конкурса состоится в 16.00 22 февраля 2021 года. Просим участников перед подачей конкурсных предложений проверять их на предмет соответствия конкурсной документации Заказчика.

**Конверт №1,** содержащий квалификационную анкету участника Конкурса по форме согласно приложению № 1, к которому должно быть приложено Техническое предложение, подготовленным в соответствии с Техническим заданием, а также копией на электронном носителе в формате Microsoft Office и/или PDF;

**конверт №2,** содержащий коммерческое предложение в соответствии с Техническим заданием, с условиями проекта договора и согласно Приложению №3 к Конкурсной документации;

**общий конверт, конверты №1 и №2 должны быть опечатаны и подписаны** лицом (лицами), наделённым полномочиями для подписания Конкурсного предложения от имени Участника Конкурса.

**На всех конвертах должны быть обозначены номера конвертов и название конкурса.**

***Примечание:*** *Документы, входящие в конверт №1, не должны содержать никакой информации относительно цены Конкурсного предложения. Все цены, тарифы и итоговые суммы, составляющие Предложение, должны содержаться только в документах конверта №2. При несоблюдении данного условия Участник дисквалифицируется.*

**Откровение I конверт (этап) –** общая квалификационная оценка и техническая оценка.

Техническое предложение будет оцениваться на соответствие Техническому заданию.

Не соответствующие требованиям технического задания, не будут рассматриваться и допускаться к оценкам коммерческой части.

II конверт (этап) – коммерческая оценка.

Победителем признается участник конкурса, чье предложение признано соответствующим техническим требованиям и предложивший наименьшую цену на требуемый объем и сроки поставки Услуги, с принятием условий контракта (приложение №4).

### ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ КОНКУРСА

**1. Заказчик:** Корейский фонд международного здравоохранения Республики Корея. Предельная стоимость конкурса (в эквиваленте 10,000 долларов США). Цены, указанные в конкурсном предложении, не должны превышать предельную стоимость включая НДС.

Набор №1

| № | Наименование инструмента | Количество набора | Модель | Размер (мм) | Вес (г) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ретрактор (Нержавеющая сталь) | 1 набор | 2200 | 27,5 cm x 18,4 cm | 795 |

**2. Срок поставки товаров:** 60 дней с заключением контракта.

**3. Наименование объекта (место поставки):** Национальный детский медицинский центр.

**4. Страхование товара:** товар должен быть полностью застрахован от случайных повреждений, потери или других воздействий, приводящих его в негодность в период транспортировки и временного хранения. Страховой полис должен включать все транспортные расходы, в том числе фрахт, таможенную пошлину и иные расходы, связанные с транспортировкой груза вне территории Республики Узбекистан, а также расходы по доставке поврежденного груза к месту установки и возвращению после установки.

**5. Требования по гарантийному и послегарантийному обслуживанию:** гарантийный срок на оборудование должен быть не менее 12 месяцев.

# ОБЪЯВЛЕНИЕ О ПРОВЕДЕНИИ КОНКУРСА

## Корейский фонд международного здравоохранения Республики Корея (Заказчик)

## ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР

## на закупку набора инструментов, предназначенных для проведения хирургических вмешательств по педиатрической гипоспадии.

**Конкурс проводится по адресу:** Республика Узбекистан, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Паркентская, 294 (ориентир: Болалар миллий тиббиёт маркази), **E-mail:** uzbnch@gmail.com.

К рассмотрению будут приняты конкурсные предложения в конвертах, опечатанные участниками конкурса и поступившие по вышеуказанному адресу в срок 10 дней с 10 февраля 2021 года.

Вскрытие конвертов с предложениями участников конкурса состоится в 16.00 22 февраля 2021 года. Просим участников перед подачей конкурсных предложений проверять их на предмет соответствия конкурсной документации Заказчика.

**Конверт №1,** содержащий квалификационную анкету участника Конкурса по форме согласно приложению № 1, к которому должно быть приложено Техническое предложение, подготовленным в соответствии с Техническим заданием, а также копией на электронном носителе в формате Microsoft Office и/или PDF;

**конверт №2,** содержащий коммерческое предложение в соответствии с Техническим заданием, с условиями проекта договора и согласно Приложению №3 к Конкурсной документации;

**общий конверт, конверты №1 и 2 должны быть опечатаны и подписаны** лицом (лицами), наделённым полномочиями для подписания Конкурсного предложения от имени Участника Конкурса.

**На всех конвертах должны быть обозначены номера конвертов и название конкурса.**

***Примечание:*** *Документы, входящие в конверт №1, не должны содержать никакой информации относительно цены Конкурсного предложения. Все цены, тарифы и итоговые суммы, составляющие Предложение, должны содержаться только в документах конверта №2. При несоблюдении данного условия Участник дисквалифицируется.*

**Откровение I конверт (этап) –** общая квалификационная оценка и техническая оценка.

Техническое предложение будет оцениваться на соответствие Техническому заданию.

Не соответствующие требованиям технического задания, не будут рассматриваться и допускаться к оценкам коммерческой части.

II конверт (этап) – коммерческая оценка.

Победителем признается участник конкурса, чье предложение признано соответствующим техническим требованиям и предложивший наименьшую цену на требуемый объем и сроки поставки Услуги, с принятием условий контракта (приложение №4).

### ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ КОНКУРСА

**1. Заказчик:** Корейский фонд международного здравоохранения Республики Корея. Предельная стоимость конкурса (в эквиваленте 10,000 долларов США). Цены, указанные в конкурсном предложении, не должны превышать предельную стоимость включая НДС.

Набор №1

| № | Наименование | Тип | Количество |
|---|---|---|---|
| 1. | Scalpel hadnele | 135 mm, 5 1/2” | 1 |
| 2. | Scalpel hadnele | N4 | 2 |
| 3. | Delicate Scissors | 115 mm, 4½ | 1 |
| 4. | Delicate Scissors | 145 mm, 5 3/4” | 1 |
| 5. | Delicate Scissors | 150 mm, 6” | 1 |
| 6. | Micro Forceps | 160 mm, 6 1/4” | 2 |
| 7. | Micro Forceps | 160 mm, 6 1/4” | 2 |
| 8. | Forceps | 120 mm, 4 3/4” | 1 |
| 9. | Forceps | 120 mm, 4 3/4” | 1 |
| 10. | Needle holder | 145 mm 5 3/4” | 1 |
| 11. | Needle holder | 200 mm, 8” | 1 |
| 12. | Needle holder | 145 mm, 5 3/4” | 1 |
| 13. | HALSTED-MOSQUITO str | 125 mm, 5” | 4 |
| 14. | HALSTED-MOSQUITO cvd | 126 mm, 5” | 4 |

Наборы №№ 2,3,4

| № | Наименование | Тип | Количество |
|---|---|---|---|
| 1. | Scalpel hadnele | N3 | 1 |
| 2. | Delicate Scissors | 145 mm, 5 3/4” | 1 |
| 3. | Forceps | 120 mm, 4 3/4” | 1 |
| 4. | Forceps | 120 mm, 4 3/4” | 1 |
| 5. | Needle holder | 200 mm, 8” | 1 |
| 6. | HALSTED-MOSQUITO str | 125 mm, 5” | 4 |
| 7. | HALSTED-MOSQUITO cvd | 126 mm, 5” | 4 |

**2. Срок поставки товаров:** 60 дней с заключением контракта.

**3. Наименование объекта (место поставки):** Национальный детский медицинский центр.

**4. Страхование товара:** товар должен быть полностью застрахован от случайных повреждений, потери или других воздействий, приводящих его в негодность в период транспортировки и временного хранения. Страховой полис должен включать все транспортные расходы, в том числе фрахт, таможенную пошлину и иные расходы, связанные с транспортировкой груза вне территории Республики Узбекистан, а также расходы по доставке поврежденного груза к месту установки и возвращению после установки.

**5. Требования по гарантийному и послегарантийному обслуживанию:** гарантийный срок на оборудование должен быть не менее 12 месяцев.

# “Regionlararo mulk markazi” МЧЖ

## бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига “Xumson sanatoriyasi” ДУКнинг 2021 йил 5 февралдаги 16-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, “Хумсон” МФЙ, “Хумсон” санаторияси ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, “Газ-5204” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 30 000 000 сўм.

2. 1989 йилда ишлаб чиқарилган, “Бульдозер ДТ-75” русумли автотехника. **Бошланғич баҳоси** – 24 587 945 сўм.

3. 1985 йилда ишлаб чиқарилган, “УАЗ-469В” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 15 000 000 сўм.

4. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, “Damas” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 20 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2021 йил 15 март куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 12 март куни соат 16.00 гача.

Автотранспорт воситаси 2020 йил 15 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 22, 29 март кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо ўтказиладиган санадан 2 кун аввал.

**Савдо ғолибига 5 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2260 4000 5052 6588 2001 ХАТБ “DAVR-BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 307 638 956.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-уй.

**Телефон:** 97-155-08-21, 90-971-20-00.

*880847 рақамли гувоҳнома.*




IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти бўйича:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-243.
2660 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.

ЎзА якуни – 23.23. Топширилди – 00.10.
1 2 3 4 5 6

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№10 (461) 2021 йил 9 февраль

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига

# Ҳазратимга мактуб

**Гулжамол АСҚАРОВА,**
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**Менинг ишхонам Сизнинг номингиз билан аталувчи кўчада жойлашган (Алишер Навоий кўчаси). Ҳар куни иш важидан Сизнинг номингизни ўн бор ёзаман, ҳар тонг машина тўхтатиб ишхонага келгунимча сизнинг исмингизни ўн бор такрорлайман.**



Исмингиз билан бошланади куним… Бугун бу кўча яхшиларнинг саъй-ҳаракати билан ободлик кўчасига айланди. Ўзингиз асарларингизда орзу қилганингиз каби фаровонлик кўчасига айланди. Буюклар башорати нақадар кучга эгалигини англадим. Зеро, машойихлар айтгани каби “Ҳақиқий шоирлар авлиёдирлар, ҳақиқий авлиёлар шоирдурлар”.

Ҳазратим, сиз халқнинг бахт-саодати, фаровон турмуши, келажаги учун курашган, умрини ва ижодини унга бахшида этган, эли ва юрти учун яшаб ижод қилган ҳақиқий шоирсиз. Тарихчиларнинг қайд этишича, Сиз ўз маблағларингиз ҳисобидан Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, 17 та масжид, 40 та работ, 10 та хонақоҳ, 9 та ҳаммом, 9 та кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурдирган ва таъмирлаттирган экансиз. Бугун бу юртда кўчалар, маърифий даргоҳлар, ўқув юртлари, музейлар Сизнинг номингиз билан аталди.

Гўзал яшалган умрнинг давоми ҳам гўзал бўлишини шунда кўрдим. Руҳингиз шод бўлсин, илоҳим!

### АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС….

Замонлар ўтди….Лекин Ҳазратим ўша ўша….Одамлар ўзгарди…Лекин Ҳазрат Навоийнинг яшаш фалсафаси ва тириклик мезонлари ўша-ўша… Ҳазрат айтадилар:

*Ошиқ ўлдум панд берманг, чорам асбобин тузунг,*
*Ишқ зор этганга зулм этманг, тараҳҳум кўргузунг.*

Дарҳақиқат, ошиқ бўлган қалбга озор бермоқлик золимларнинг иши, зеро машойихлар айтганидек: «Қалбга озор, Худога озор»… Қалб Яратганга тегишлидир…

Руҳим маюс тортади… Ўша маҳзун овоз билан ҳазратимнинг нидолари қулоғимда жаранглайди…

*Кўнглим ичра дарду ғам аввалгиларга ўхшамас.*

Ҳа, ҳатто ўз кўксингдаги ишқ, севганингга бўлган муҳаббат ҳам аввалгидек оташин эмаслигини англайсан… Замоннинг аниқ мезонлари, расмий йиғинларнинг адо бўлмас қарорлари, тирикчиликнинг ёқимсиз обу ҳавоси, елкангдаги юклари қалбинг ойнасига чанг бўлиб ўтириб қолганлигини англайсан одам….

Қалбингни покламоғинг керак, ювмоғинг керак… дейман ўзимга ўзим… Бу покланиш илмини эса фақат Ҳазратимдан ўрганиш мумкин…. Ҳамма саволларимга Навоий бобомдан жавоб топаман…. Ҳатто айрим ғайрати суст замондошларни кузатиб ҳам яна бобомнинг ҳикматларини эслайман. Улар айтадилар:

*Тухм ерга кириб, чечак бўлди,*
*Қурт жондин кечиб, ипак бўлди.*
*Лола тухмича ғайратинг йўқми,*
*Ипак қуртича ҳимматинг йўқми?*

Бу сўзлар одамзотни ғайратли бўлмоққа ундайди. Яратгандан нолиб умр ўтказиш ўрнига ғайратни, шижоатни ишга солмоқликни уқтиради. Зеро, шу бир неча лаҳзаларгагина ҳаётга келган ипак қурти ҳам ўтирган жойида ипакдек гўзал матонинг ашёсига айланадику…

### ХУЛОСА…

Ҳазрат асарларини фикри ожизиму, шу ғариб қувваи ҳофизам билан ўқиб тирикликнинг бобомиздан мерос учта қоидасини англадим:
– ҳалоллик;
– ғайрату шижоат;
– дилга озор бермаслик.

Бу қоидалар балки Яратганнинг бандалари олдига қўйган вазифаларидир…. Нима бўлганда ҳам шу қоидалар (агар амал қилинса) одамни қалбан улғайтиради, камолга етказади, ўзини ўзига англатади.

Ҳофизни нолавор, ҳазин овози оҳанг билан уйғунлашиб, руҳимни яна оҳанг селларида оқиради.

*Чун Навоий кўнглини қилди гриҳ бир тори зулф,*
*Дўстлар, сарриштаи уммидни андин узунг.*

Мен шу сўзлар оҳангида оқиб боракканман, Ҳазратимдан ҳечам кўнгил узгим келмайди….Эргашиб кетавераман….Девонларга чўкаман, ғазалларга кўмиламан, ҳикматлар оҳангида сел бўламан….

Неажабким, Ҳазратимга эргашиб кетаверганим сари ўтмишга эмас, янаям олдинга, келажакка қараб юраётганимни сезаман…. Ҳазратим унинг сўзларини уққан авлодни ўтмишдан туриб кузатаётганини, юрганида ёнидалигини, келажакда туриб кутиб олаётганини ҳис этаман…. Нигоҳларингиз учун раҳмат Ҳазратим, деб шивирлаб қўяман ўзимча… «Умидни ондин узинг» Умид узгим йўқ…Қанийди шу гавҳарзор оралаб юраверсам, юраверсам….Ҳеч ким индамаса, ҳукм этмаса, чорламаса, иш… расмиятчиликлар безовта қилмаса…тирикчилик деган қўнғироқ бонг урмаса….юраверсам шу сўззорда….

Насиб этсаю Ҳазратимга яқин боролсам, аввало, шу узуқ йўлиқ номаларим учун, умримни тикиб ёзаётганим шу ғарибгина шеърларим учун, ўзимга ўхшаб тузсизроқ сўзларни ёзиб, нон-туз топиб юрганлар учун узр сўрайман…Кейин ушбу ғазалларини ўқиб бераман:

*Ошиқ ўлдум панд берманг, чорам асбобин тузунг,*
*Ишқ зор этганга зулм этманг, тараҳҳум кўргузунг.*

*Навоий*

### ЎН САККИЗ ЁШ ҲАЙРАТЛАРИ

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.
Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,
Ўн сакиз ёшина мунча фитнаким бошиндадур.
Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур,
Ҳусн шоҳи, ул балоларким, кўзу қошиндадур.
Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки, бор,
Барчаси эзид таоло сунъи наққошиндадур.
Тан анга сийму ичина тош музмар кўнглидин,
Ақлға юз ҳайрат, ул ойнинг ичу тошиндадур.
Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,
Бул ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.
То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

# Алишер Навоий қурдирган масжидлар

- Сари пули Инжил масжиди;
- Тали Қутбон масжиди;
- Сари кўчаи Улуғ ота масжиди;
- Сари кўчаи Амир Ислом масжиди;
- Чаҳорсуқи Мирзо Алоуддавла масжиди (“Кўшки жаҳоннамой” томонида);
- Қаландарлар маҳалласи масжиди (“Боғи Зоғон” ичида);
- Тархониён маҳалласи масжиди;
- Мир Одил маҳалласи масжиди;
- Пули корд жомеъ масжиди;
- Ийдгоҳ қишлоғидаги жомеъ масжиди;
- Баҳра қишлоғи масжиди;
- Исфизор жомеъ масжиди;
- Ғурдаги масжид;
- Қушнаж қишлоғи жомеъ масжиди;
- Сарахс масжиди;
- Кароти Таршиз масжиди;
- Астробод жомеъ масжиди.

Булардан ташқари, бино қилинган барча мадраса, хонақоҳ ва работларда ҳам масжидлар қурилган...

**“Макоримул-ахлоқ” китобидан олинди.**

# Навоийхонлик тадбирлари

**Умида МУРОДХОНОВА.**

**Республика Қўғирчоқ театрида “Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси” шиори остида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирга Тошкент вилоятида жойлашган Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилди.**

Бош Прокуратура ташаббуси билан Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика Идоралараро комиссияси, Тошкент вилояти прокуратураси, Халқ таълими ва Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирга таниқли шоир ва ёзувчилар, навоийшунос олимлар, адабиётшунослар, театр ва кино актёрлари таклиф этилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус ғояларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, ўғил-қизларни китобга, адабиётга, санъатга, илм-фан ва спортга қизиқтириш, уларни аждодларимизнинг бой маънавий меросига чуқур ҳурмат руҳида камол топтиришдан иборатдир.

Улуғ мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси асрлар оша бутун башариятни ҳайратга солиб, инсонлар қалбига, онгу шуурига эзгулик, инсонпарварлик, саховат, меҳр-мурувват зиёсини таратиб келмоқда. Мамлакатимизда улуғ бобокалонимизга эҳтиром кўрсатиш, асарларини ўрганиш, уни дунёда кенг тарғиб этишга доимий эътибор қаратилмоқда.

– Буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоийни бутун дунё эътироф этади, – деди Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов. – У зотнинг сиймоси мангу барҳаётдир. Мен Алишер Навоий сиймосини гавдалантириш бахтига муяссар бўлганимдан беҳад шодман. Ҳазратнинг юксак руҳий-маънавий қиёфасини очиб бериш катта масъулият юклайди.

Тадбирда ўғил-қизларга ёш истеъдод соҳибларининг шеърлари жамланган “Биринчи китобим” туркумидаги кичик асарлар тўплами тақдим этилди. Республика Қўғирчоқ театри актёрлари томонидан ижро этилган спектакль уларда катта таассурот қолдирди.

**“Тошкент метрополитени” УК томонидан ташкиллаштирилган маънавий-маърифий тадбирда корхона раҳбарияти, ёш ходим ва мутахассислар, таниқли шоирлар, адабиётшунослар ҳамда санъаткорлар қатнашиб, улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси, бунёдкорлик салоҳиятини яна бир бора эътироф этишди.**

– Юртимизда кўплаб боғлар, илм-фан, маданият масканлари, хиёбонларга буюк мутафаккирнинг номи берилиши давлатимиз, халқимизнинг шоир сиймосига бўлган ёрқин эҳтироми намунасидир, – деди тадбирда сўзга чиққан “Тошкент метрополитени” УК бошлиғининг ўринбосари Абдулазиз Қосимов. – Жумладан, 1984 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилган “Алишер Навоий” метро бекати халқимиз учун муносиб туҳфа бўлганди. Ушбу бекат шоир номи билан юритилиши бежизга эмас. Зеро, маскан ижодкорнинг энг сара асарларидаги қаҳрамонларни акс эттириши билан эътиборли. Жумладан, “Хамса”даги беш достон ва унинг образлари моҳир меъморлар, санъатшунослар томонидан бадиий дид ҳамда юксак нигоҳ билан ифода этилганки, бу бевосита халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан дарак беради.

Тадбирда Алишер Навоий бутун умрини нафақат ижодга, балки халқ фаровонлиги йўлида бунёдкорлик ҳамда эзгулик ва хайр-саховат ишларига бағишлагани қайд этилиб, Ўзбек миллий академик драма театрининг актёрлари томонидан “Алишер Навоий” спектаклидан кичик саҳна кўринишлари намойиш этилди.

**Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 114-мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари иштирокидаги Ҳазрати Алишер Навоий таваллудига 580 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган очиқ дарсда дастлаб, шоирнинг халқпарварлик фазилатлари эътироф этилди.**

“Донoларнинг доноси” мавзусидаги очиқ дарсда ўқувчилар устозларидан бобомизнинг ижоди ва халқ фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик салоҳияти билан яқиндан танишиш баробарида, унинг ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқидилар.

– Алишер Навоий ижодини ўрганиш учун инсондан катта билим, маҳорат ва юксак дид талаб этилади, – деди мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Машкура Холмуҳамедова. – Шу сабабли ёшларимизни маънавиятли, комил шахслар сифатида улғайишларида адабиёт фанидан бу каби очиқ дарсларнинг ўрни ва аҳамияти катта деб ўйлайман. Ўғил-қизлар Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзларини ёддан айтиб, уларни оғзаки равишда таҳлил қилиб бердилар. Бу эса табиийки, ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришга ҳам кўмак беради.

Очиқ дарс якунида ўқувчилар шоирнинг “Келмади” радифли ғазалига басталанган ашулани тингладилар. Таклиф этилган шоир ва ёзувчилар халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир кишининг инсонийлик бурчи эканини бобомиз Алишер Навоий алоҳида таъкидлаганини эътироф этиб, ушбу мисраларни келтириб ўтдилар:

*Одами эрсанг демагил одами,*
*Оники йўқ, халқ ғамидин ғами.*

Орамиздаги одамлар

# Устоз – келажак пойдеворининг қурувчиси

**Ҳилола ИСМАТОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Навоий шаҳрининг биринчи архитектори, Навоий шаҳар капитал қурилиш бўлими бошлиғи, ТАШГИИТИ Навоий филиали директори вазифаларида ишлаган меҳнат фахрийси Насриддин Жўраев бугун 74 ёшни қаршилади.**



Юзлаб шогирдлар етиштирган устоз оила аъзолари, издошлари даврасида эъзозда, эътиборда. Шунингдек, соҳа билимдони сифатида, издошларига тўғри йўл кўрсатгувчи, маслаҳатчи ҳамдир. Меҳнат фахрийси билан ўтган суҳбатда бугун қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида фикр юритилди.

– 1974 йилда Навоий шаҳрининг бош архитектори вазифасида иш бошлаган йилларим шаҳар энди тиклана бошлаган, атроф тошлоқ ва янтоқдан иборат, бир ҳовучгина кўп қаватли уйлар, саноқли бинолар бор эди, – дея хотирлайди у киши. – Америкадан юқори мартабали меҳмонлар шаҳримизга меҳмон бўлиб келганида уларни қаерда кутиб олиш ва учрашув ўтказиш муаммо бўлган. У пайтлар истироҳат боғлари, ҳашамдор бинолар йўқ эди. Раҳбариятни боши қотган, нима қиламиз, уларни қаерга олиб борамиз, деган савол ҳаммани ўйлантирган.

Шаҳар марказида бор-йўғи биргина ресторан бор эди, ўшани нари-бери таъмирлаб, шу жойда учрашув ташкиллаштирганмиз. Шундан кейин шаҳарни қуриш ва кенгайтириш мақсадида янги лойиҳалар ишлаб чиқдик, бирин-кетин марказий кўчалар, яшаш жойлари, ташкилотларнинг бинолари қурилишига асос солдик. Қурилиш лойиҳаларини тасдиқлатиш ҳам у пайтда Ленинград (Россиянинг ҳозирги Санкт-Петербург шаҳри) даги комиссиянинг тасдиғи билан амалга ошарди. Бу осонлик билан бўладиган жараён эмас эди. Йиллаб у ерга қатнаб, қайта-қайта савол-жавоблардан ўтардик. Бош режалар узоқ ўрганиларди. Ўз эркимиз билан бирон бинони тиклаб бўлмаган.

Мустақилликдан кейин Навоий вилояти қайта ташкил этилиб, ўз маъмурий тузилмаларига эга бўлди. Йилдан йилга ҳудудлар кенгайди, қурилиш ишлари жадаллашди, янги-янги бинолар, гўзал иншоотлар замонавий лойиҳалар асосида тиклана бошланди. 1992 йилда Навоий фуқаро лойиҳа институти томонидан шаҳардаги Умид қўрғонининг 1000 хўжаликка асосланган қурилиш-лойиҳалари бош режасини ишлаб чиқдик. Шунингдек, Гулистон-1, Гулистон-2 қўрғонларининг бош режасини амалга ошириб, қурилишига асос солдик. Кўплаб маъмурий бинолар, ташкилотларнинг иншоотлари меҳнатимиз маҳсули эканидан қувонаман. Бир сўз билан айтганда, фаолиятим давомида шаҳарнинг 60 фоиз қурилишларида иштирок этдим.

Шунингдек, бугунги кунда қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, соҳадаги ютуқлар ҳақида сўз юритиб устоз ўз фикрларини баён этди:

– Авваллари иш излаб кўпчилик Россия давлатига борган бўлса, кейинги 3-4 йил давомида жадаллик билан олиб борилаётган қурилиш жараёнлари сабаб, ёшларнинг четга кетиши камайди, шу ерда, ўз ватанида, ўз оиласи, бола-чақаси бағрида меҳнат қиляпти.

Демак, қурилиш соҳаси бугун – ишсизликни камайтиришга замин яратди. Иккинчи ютуғимиз эса, яшаш жойига муҳтожлик камайди, ижтимоий ҳимоя кучайтирилди, аҳолининг барча қатлами яшаш жойи билан таъминланяпти. Хусусан, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолганларга имтиёзли тарзда давлат томонидан турар жой берилаётгани, энг муҳими, арзонлаштирилган ёки тўловлари давлат томонидан тўлаб берилаётгани эътирофга лойиқ. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбарининг оқилона ислоҳотлари ва уларга “лаббай”, деб жавоб бераётган қурувчи-муҳандислар, соҳа фидоийларининг меҳнати билан бўляпти. Халқнинг розилиги, элнинг дуоси билан иш олиб борилаётган юртда доимо тинчлик-омонлик, фаровонлик ҳукм суради. Устоз-шогирд анъаналари ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Келажак ҳамиша – устозлар қўли билан бунёд бўлади. Шундай дейишимизнинг боиси, устозлар тарбиялаган шогирдлар эртанги кунни қуради, бунёд этади, уларнинг меҳнати билан тараққиёт илгари сурилади. Навоий шаҳри ҳам ана шундай жонкуяр инсонларнинг ташаббускорлиги, меҳнати, фидокорлиги самарасидир.

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

### Февраль ойининг шу кунларида ўз таваллуд айёмларини нишонлаётган

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК етакчи мутахассиси **Хайрулло Худайберганов**,

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси Кадрлар ва махсус ишлар бўйича инспектори **Сувон Джураев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҚМИ бўлими бош мутахассиси **Ражаб Саидов**,

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Қашқадарё вилояти филиали директори **Махмуд Эшбабаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Алияр Джаксымуратов**,

Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси ижро назорати бўйича инспектор **Авазбек Нарзуллоев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси буюртмачилар билан ишлаш бўлими мутахассиси **Маъруф Мирзаев**,

Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят архитектори **Акрамжон Охунов**, Учқўрғон тумани қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш бўлими архитектори **Неъматжон Жўрабоев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Садриддин Қўчкаров**, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Наманган вилояти филиали директори **Авазбек Исакджанов**,

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси Архитектура-режалаштириш бюроси УК АКТ бўйича мутахассиси **Алишер Абдусаидов**,

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори **Актам Чоршанбиев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Қобулжон Илҳомов**,

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси компьютер бўйича техник Жонузоқ Бозоров, мутахассис **Дониёр Тапилов**, электромонтёр **Ровшан Мамадалиев**, қоровул **Наргиза Тилляходжаева**,

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖнинг Хоразм вилояти бўйича мухбири **Меҳрибон Исмаилова**ларни чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**